Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 17 март ЧОРШАНБА

№ 21 (12.241)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz


## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16 март куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 март куни бўлиб ўтади. Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари икки томонлама муносабатларга доир масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

**ЎзА.**

## СИФАТЛИ НАВ – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, донли ва дуккакли маҳсулотлар билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида мазкур экинларни экиш, ҳосилдорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда.**

Ҳар йили мамлакатимизда қарийб 300 минг тонна шоли етиштирилади. Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти фермерларга шоли агротехникасини қўллаш, тупроқ-иқлим шароитимизга мос навларни танлашда яқиндан ёрдам бермоқда.

– Олимларимиз шўрга, қурғоқчиликка, иссиққа чидамли янги шоли навларини яратиш борасида самарали илмий изланишлар олиб бормоқда, – дейди институт директори, биология фанлари доктори Йўлдошали Саиймназаров. – Жумладан, "Оқ қилтиқ", "Буғдой бошоқ", "Мустақиллик", "Искандар" каби ўндан зиёд янги навлари яратилиб, давлат реестрига киритилди.

"Оқ қилтиқ" – эртапишар нав бўлиб, уни асосий ва такрорий экин сифатида экиш ва сифатли ҳосил олиш мумкин. "Истиқлол" ва "Истиқбол" каби ўртапишар навларнинг ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 70-80 центнерни ташкил этади. Унувчанлиги анча юқорилиги боис бошқа навларга нисбатан уруғ сарфи анча кам. "Мустақиллик" ва "Искандар" навларининг ҳосилдорлиги 90-100 центнер, ноқулай иқлим шароитига чидамли.

Институтда мош ва соянинг янги турларини яратиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соянинг "Ўзбек-6", "Ўзбек-2, "Дўстлик", "Орзу" навлари давлат реестрига киритилди. Улар орасида "Орзу" ўзининг тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, унинг энг яхши хусусиятларидан бири – тупроқ ҳосилдорлигини ошириши.

Илмий жамоа янги навларни яратиш билан бир қаторда уруғдан тежамли фойдаланиш борасида ҳам изланишлар олиб бораётир. Ана шундай тадқиқотлар жараёнида шолини кўчатидан кўпайтириш усули яратилди. Бундай технологияда уруғ сарфи бир неча баробарга камаяди. Мисол учун, одатда бир гектар майдонга 200-220 килограмм уруғ сарфланса, бундай усулда 60-50 килограмм уруғ сафланади. Шунингдек, сув 40 фоиз, ўғит эса 25-30 фоиз тежалиб, ҳосилдорлик 30 фоизга ошади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**



## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

**Гўзал баҳор фасли эшик қоқиши билан дилларда энг эзгу ва нурафшон туйғулар уйғонади. Ҳар бир онгли инсон ўз уйи ва маҳалласида бунёдкорликка қўл ургиси келади, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига тутинади. Албатта, бу халқимиз табиатига сингиб кетган урф-одатлардан бири. Доно халқимиз "сариштали уйнинг фариштаси бор", деб бежиз айтмаган.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 мартдаги фармойишига кўра, юртимизда, шу жумладан, вилоятимизда ҳам ободонлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. 13-14 март кунлари уюштирилган умумхалқ хайрия ҳашари эса бу савобли ишларнинг дебочаси бўлди, гўё.

Хайрия ҳашарида ёшу қарининг ёппасига иштирок этгани, кўнгил амри билан умумхалқ ишига бош қўшгани юртимиздаги минг йиллик анъаналар боқий эканлигининг яна бир исботи бўлди. Вилоятимизнинг барча туман, шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси турар-жойлар, кўча ва хиёбонлар, табаррук қадамжолар, қабристонларни ободонлаштиришда фаол қатнашди. "Яхшидан боғ қолади". деган нақлга амал қилиб, янги дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Маълумотларга қараганда, вилоятимиз бўйича 2 миллионга яқин аҳоли ҳашарга чиқди. Улардан 700 мингдан кўпроғи ёшлар. Ҳашарчилар жами 7000 гектарга яқин ерни ободонлаштиришди. Бу майдонларда миллион туп манзарали, бир миллион 320 минг туп мевали дарахтлар экилди. Қарийб бир ярим миллион туп дарахтга шакл берилиб, оқланди. Ҳашарчилар меҳнати билан бир миллион 700 минг тупдан зиёд гул кўчати экилган гулзорлар кўзни қувонтира бошлади.

Шаҳар ва қишлоқларимизда нафақат ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, балки ўзгалар кўмагига муҳтож инсонлар ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга беғараз моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, аввало, уларнинг уй-жойларини тартибга келтириш, турмуш шароитларини яхшилаб бориш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳашар кунлари 74 минг квадрат метр майдондаги уй-жойлар таъмирланди, 3749 оилага 56 миллион сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоятимизнинг беистисно барча шаҳар ва туманлари аҳолиси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этди. 5,5 минг километр узунликдаги арик ва зовурлар тозаланди. Майдон ва йўл четлари тозалангач, янада файз кирди. Ҳудудлар 8,5 минг тоннага яқин маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тозаланди.

Умумхалқ хайрия ҳашари халқимизнинг ўз анъаналарига содиқлиги, қолаверса, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг жонбозлиги туфайли уюшқоқлик билан ўтди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

**СУРАТДА:** Пискент туманида бўлиб ўтган ҳашардан лавҳа.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ОЗОД ВА ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

**Халқимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўз айёми арафасида юртимиз ўзгача кўрку тароват касб этмоқда. Ям-яшил тусга кирган қир-адирлар, ораста хиёбонлар кишининг баҳри дилини очади. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган замонавий иншоотлар, хушманзара масканлардан кўзингиз қувнайди. Қаерга борманг бунёдкорлик, ободончилик ишларининг гувоҳи бўласиз.**

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишида, халқимиз фаровонлигининг мунтазам ошиб бораётганида юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳим омил бўлаётир. Энг катта бойлигимиз – тинчликни мустаҳкамлаш, осуда ҳаёт учун қайғуриш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз чуқур ҳис этиб яшамоқдалар.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир, – дейди Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Ғанишер Эшонқулов. – Айтиш жоизки, диёримизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг осуда ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқлари кўчаларида, майдонларида, боғу роғларида сайр қилиб юрган болажонларни, ёшу кексаларни, улардаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфиятни кўриб, кўз қувонади. Зотан, осойишта умр деганда, одамлар бир-бирлари билан аҳил-иноқ яшаб, яхши кунларини бирга, баҳамжиҳат ўтказиши тушунилади. Албатта, осойишталик бор жойда тўйтантана, байрамлар татийди, шоду хуррамлик ҳукм суради. Оммавий ахборот воситалари орқали айрим мамлакатларда бўлаётган нотинчликни, уруш-тўполонни, тартибсизликларни кузатар эканмиз, ўлкамиздаги тинч ҳаёт, мусаффо осмон билан фахрланамиз.

Наврўз умумхалқ байрами шодиёналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётир. Хусусан, жорий йилнинг 20 февралидан бошлаб "Тозалаш" деб номланган кенг қамровли профилактик тадбир ўтказилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, пойтахтимиз, шаҳар ва туманлар марказларида, ҳар бир қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада – байрам ўтадиган барча ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳолининг тинчлигини, ёнғин хавфсизлигини, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда. Белгиланган тадбирларни амалга оширишда, энг аввало, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари кўмагидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## УЛОВНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

**Вилоятимиз ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, айниқса, мотоулов ҳайдовчиларининг йўл қоидаларига амал қилишларини янада кучайтириш мақсадида вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 16 мартдан 26 мартгача "Мотоцикл" тадбирини ўтказмоқда.**

Маълумки, деҳқонлар учун мотоцикл муҳим транспорт воситаси ҳисобланади. Боиси, бу улов билан автомобиллар юролмайдиган йўллардан бемалол юриш мумкин. Шунинг учун деҳқончилик мавсуми бошлангандан сўнг мотоцикллар ҳаракати ўз-ўзидан кўпаяди.

Тадбир давомида вилоятимиздан рўйхатдан ўтган мототранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларига йўл қоидаларини янада мукаммал тушунтириш мақсадида турли тадбирлар ташкил этиш режалаштирилган.

Маҳалла оқсоқоллари ва автокорхона раҳбарларига бу ҳақда тегишли кўрсатмалар берилиб, ўз ҳудудларидаги мототранспорт воситалари ҳайдовчиларини янада ҳушёр бўлиб ҳаракатланишга чақиришлари айтиб ўтилди.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,**
**вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори.**

### ГАЗЕТХОНЛАР УЧУН УЧРАШУВ

**Бугунги суҳбатдошимиз – "Ёш сиёсатчи – 2009" республика кўрик-танлови ғолиби, мустақиллик йилларида камол топган Инобат Пардахўжаева эндигина йигирма тўққиз ёшга тўлди. Оилали. Беш яшар қизи боғча тарбияланувчиси.**



## ОҲИСТА ТЕБРАНАР ҲАЁТ БЕШИГИ

**– Аввало, газетхонларимизга оилангиз ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.**

– Юқоричирчиқ туманини Кавардон қишлоғидаги оддий бир хонадон фарзандиман. Онам – ўқитувчи, отам – ҳайдовчилар. Тарбиямда ҳар иккалаларининг ўрни ўзига хос. Дунёқарашимнинг шаклланиши, қизиқувчан бўлиб ўсишимга дадамларнинг таъсирлари кучли бўлган. Оиламизда шундай тартиб жорий этилганки, телевизор кўриш ҳамиша иккинчи ўринда. Ёшу кекса – китобхон. Дадамнинг шахсий кутубхоналари ниҳоятда бой. Эсимда, болалик кезларимиз безакли китобларни кўп-кўп келтириб беришарди. Расмларни бўярдик, уларга қараб, ҳикоялар тўқирдик. Мақоллар айтишни, ифодали ўқишни машқ қилардик.

Телевизор мияга бир хил таъсир қилади. Китобхонлик мутлақо бошқача. Тасаввурни кенгайтиради, фикрлаш лаёқатини ривожлантиради. Бирор асарни ўқиб чиққанимиздан кейин дадам таассуротларимиз, хулосаларимизни сўраб-суриштирардилар.

**– Табиийки, бундай изчил китобхонлик шахс сифатида шаклланишингизда муҳим ўрин тутган.**

– Албатта. Лекин мен бу билан телекўрсатувларни қораламоқчи эмасман. Гап шундаки, бадиий асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамоннинг кечинмалари, ҳис-туйғулари қалбдан идрок этилади. Қаҳрамоннинг нуқтаи назарига ўқувчида муносабат пайдо бўлади, муаллиф нима демоқчи, қандай ғоявий-ахлоқий дунёқарашни илгари сураяпти, унинг қайси жиҳати ибратли, қайсиниси зиён эканлиги ҳақида ўқувчида мулоҳаза юритиш имконияти бўлади.

Ҳозирги телесериаллардаги алғов-далғовли, уруш-жанжалли, қўрқинчли, бепарда воқеалар эса, болалар онги, ақлидрокига салбий таъсир кўрсатаётгани, тарбияни бузаётганига шахсан мен шубҳа қилмайман. Афсуски, баъзи миллий сериалларимиз ҳам бундай салбий таъсирдан ҳоли эмас. Тарихий сериалларда ҳам, замонавий мавзулардаги сериалларда ҳам жазавага тушиш, зўравонлик, ахлоққа зид манзаралар, ҳолатлар учрайди.

Бадиий асар қаҳрамонини эса, ўқувчи ўз шууридан ўтказади, хаёлан уларнинг гап-сўзи, ўзини тутиши, хатти-ҳаракатларини кўз олдига келтиради, атрофидан уларга ўхшаш одамларни излайди. Исталган жойда мутолаани тўхтатиб қўйиб, мулоҳаза қилиш учун имкон етарли.

(Давоми 2-бетда).

## АЗАЛИЙ ВА БОҚИЙ АЙЁМ

**Баҳор келиши билан табиат сулув келинчакдек безанади, ҳусн-малоҳатга, тароватга йўғрилади. Қишнинг қаҳридан толиққан борлиқ кўкламнинг илиқ нафасидан энтикади. Она замин зумрад рангига бўянади. Дарахтлар ҳарир либосга бурканади.**

**Баҳорнинг муаттар нафасидан энтиккан диллар мусаффо осмоннинг мовий кенгликларида жонсарак қалдирғочлардек парвоз қилади гўё. Анвойи гуллару турфа гиёҳлар атрини атрофга таратаётган кўклам насими, завқ-шавққа тўла булбуллар хониши инсон ботинидаги энг инжа ҳисларни-да уйғотади.**

Инсон ҳам, табиат ҳам янгиланиш, яшариш айёми бўлган Наврўзи оламни ана шундай интиқлик, муштоқлик билан кутиб олади.

### Минг йиллар садоси

Наврўз инсониятнинг ўзи қадар қадимий ва боқий байрамлардан. Айни пайтда бу байрам Ер юзидаги ўнлаб мамлакатларда катта шодиёна, хурсандчилик ила қарши олинади. Аждодларимиз минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик ва тенглик ифодаси сифатида нишонлаб келганлар.

Наврўз. Бу сўз замирида халқимизнинг узоқ ўтмиши, миллий қадриятлари, асрий анъана ва урф-одатлари мужассам. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ватанимизда бу байрам жуда қадим замонлардан, мингминг йиллар илгари ҳам нишонлаб келинган. Замонлар ўтса-да, давру давронлар ўзгарса-да, ҳеч бир куч халқимизни Наврўз билан боғлаб келаётган чамбарчас ришталарни уза олмаган. Аксинча, асрлар оша, бу байрам янада сайқал топиб, янгича удум ва қадриятлар билан бойиб бораверган.

Улуғ алломаларимиз Наврўз тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотларни битиб қолдирганлар. Ижод аҳли эса Наврўзни мадҳ этувчи дилбар ашъорлар ёзишдан чарчамаган. Наврўз билан боғлиқ қадриятлар, урф-одатлар ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Зеро, Наврўз нафақат баҳорги тенгкунлик байрами, балки эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, хайр-саховат айёми ҳамдир.

Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Умар Хайёмнинг "Наврўзнома", Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки ажам", "Садди Искандарий" асарларида ушбу қадимий байрамнинг пайдо бўлиши, тарихи билан боғлиқ хилма-хил маълумотлар келтирилган. Буларнинг барчаси Наврўзнинг нақадар қадимий айём эканидан дарак беради.

Халқимиз Наврўзни ҳамиша яхши ниятлар, хурсандчилик, ўйин-кулги, эзгу тилак ва истаклар, хайрли дуолар билан қарши олган. Йил боши – Наврўз қандай бошланса, бутун йил шу тариқа давом этишига ишонган. "Яхши одам – кўзидан, яхши йил Наврўзидан маълум" деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ана шу мазмун Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида ҳам мужассам:

*Улус чеҳраи*
*оламафрўзидин,*
*Билур йил келурини*
*Наврўзидин.*

### Энг севимли кунлардан бири

Совет тузуми даврида кўплаб миллий қадриятларимиз қатори Наврўз ҳам таъқибга учради. Бу қадим айём "эскилик сарқити", "диний байрам" сингари ноҳақ тамғалар остида четга сурилди. Халқ бир неча ўн йиллар Наврўз соғинчи билан яшади. Аммо, ҳеч бир куч, ҳеч қандай мафкура бу гўзал байрамни элимиз қалбидан юлиб ололмади.

Минг йиллардан бери тун ва кун азалий қонуният асосида бир-бири билан ўрин алмашиб келади. Ер ва Қуёш ҳам коинот тартибларига қатъий амал қилган ҳолда ҳаракатланаверади. Наврўз байрами баҳорда – тун ва кун тенг келган пайтда нишонланади. Шу боис, Наврўз ҳам борлиқнинг азалий қонунлари сингари дахлсиздир.

Ўзбекистон мустақиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли миллий байрамимиз яна ўзимизга қайтди. Ҳали коммунистик тузум ҳукмронлиги барҳам топмаган бир пайтда, 1990 йилнинг 2 майида "Наврўз халқ байрамини ўтказиш тўғрисида"ги тарихий ҳужжат имзолангани ҳақиқий жасорат бўлди.

(Давоми 4-бетда).

ОГОҲЛИК

# ДУНЁҚАРАШ СОҒЛОМ БЎЛСА...

**Бутун дунёда мафкуравий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб давр маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, аҳолини, айниқса, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ён атрофда, айниқса, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеликларга холис баҳо бериш, мамлакат мустақиллиги ва тинч-осуда ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши курашни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.**

Шу мақсадга қаратилган тадбирлардан бири Маънавият ва маърифат кенгаши қошидаги тарғибот гуруҳи аъзолари ҳамда халқ депутатлари туман ва вилоят кенгаши депутатлари ҳамкорлигида ўтказилди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида эришилаётган ютуқлар ҳамда республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида сўз борди. Шу билан бирга миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларга, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ислом дини маънавиятини бузиб кўрсатишга уринишларга қарши курашиш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит туришга даъват этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Тадбирда қишлоқ ва маҳалла фаоллари, ҳудудлардан сайланган депутатлар, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари, ўқувчи ва талаба-ёшлар иштирок этди.

**Башорат САТТОРОВА,**
**Маънавият тарғибот маркази Пискент туман бўлими раҳбари.**

МАҲАЛЛА



# ҲАР ИШДА БОШ-ҚОШ

**Кунлар илиб, баҳор ўз ҳукмига кира бошлагани сари Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгар" маҳалласида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги тадбирлари кучайиб бораяпти. Оқсоқол Эркин Юсупов, маслаҳатчи Мақсудахон Санаева бошчилигида Шарқ юлдузи, Тўмарис, Қардошлик, Адолат ва бошқа кўчаларнинг аҳолиси ёппасига ҳашарга чиқиб, йўл ва майдонларни, ариқларни тозалаб, манзарали дарахт ва гул кўчатлари экишяпти.**

– Маҳалламизда 465 хонадон бор, – дейди Мақсудахон Санаева. – Уларда 1980 киши истиқомат қилади. Тожик, қозоқ, рус, татар ва корейслар – жами ўн миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшашади. Шу кунларда Наврўз байрамини биргаликда нишонлашга тайёргарлик кўраяпмиз.

Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат, зарур пайтда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш фазилатлари одамларни қовуштириб, тўй-маъракаларни ҳамжиҳатликда ўтказишда муҳим омил бўлмоқда. Баркамол авлод йилида маҳалла маслаҳатчиси ташкил этаётган учрашувлар, суҳбатлар, кўрик-танловлар йигит-қизлар тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатяпти.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**СУРАТДА:** Мақсудахон Санаева маҳалладоши билан суҳбат пайтида.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан профилактика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани аҳоли тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилаётир. Бугунги кунда юртимизда 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти фаолият юритмоқда. Соҳа инфратузилмаси замон талаблари даражасида ривожлантирилмоқда. Милиция таянч пункти ҳузурида маҳалланинг барча қатламини ўзига жалб этувчи тадбирлардан ташқари кичик бизнес шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш ва спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. 2009 йилда 2740 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг далилидир.

Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, мамлакатимизни демократик янгилашга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутади. Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашга қўшаётган ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда.

Тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, аввало, оиладан, маҳалладан бошланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари иштирокида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилаётир.

Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларидан бири – фуқароларнинг паспорт-виза қоидаларига амал қилишини таъминлашдан иборат. Бу борада фуқароларни доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаш ҳолатларини аниқлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республикамиз ҳудудида бўлиш қоидаларига амал қилиши алоҳида назоратга олинган. Паспорт-виза қоидаларига амал қилинишини таъминлаш бўйича ўтказилган текширувлар давомида 42 минг 762 маъмурий қоидабузарлик аниқланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Турли мафкуравий хуружлар ёшлар онги ва маънавиятига таҳдид қилаётгани ҳар биримиздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади. Айниқса, ёшларимизни гиёҳвандлик балосидан асраш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик ҳамжиҳатлигида ўтказилаётган тарғибот-тушунтириш тадбирларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни вояга етказишга катта эътибор қаратилиб, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, тинчлик ва осойишталикни, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш борасидаги кенг кўламли ишлар бераётган юксак самараларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юрт тинчлиги – улуғ неъмат, барқарор тараққиёт гаровидир. Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади. Зотан, тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон бўлган мамлакатдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари ривож топади. Бу олижаноб мақсад ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, айни чоғда ҳар бир юртдошимиздан ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлишни талаб қилади. Бу Наврўз умумхалқ байрами шодиёналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишига хизмат қилади.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

ГАЗЕТХОНЛАР УЧУН УЧРАШУВ

# ОҲИСТА ТЕБРАНАР ҲАЁТ БЕШИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**– Устозлар таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?**

– Бу хусусда кенг фикрлаш учун ҳали ҳаётий тажрибам етарли эмас. Лекин ҳозиргача кўрган-кечирганларимдан шунга имоним комилки, "Устоз отангдек улуғ" деган мақолда катта маъно мужассам. Ўқувчилик йилларимни эсласам, самимий, камтар устозларим Марҳабо Мираҳмедова, Озода Мўминованинг сабоқлари беиз кетмаганини ҳис этаман. Бу устозлар ўқувчига бефарқ эмасдилар. Улар учун ёмон ўқувчининг ўзи йўқ эди. Ҳаммани тенг кўришар, ҳамманинг кўнглига ўзига хос йўл топишарди. Шу боис улар ўқитган йигит-қизларнинг ҳаётда қоқилгани йўқ. Ҳаммалари ўз йўлларини, ўринларини топиб кетишаяпти.

Математика ўқитувчимиз Ботир Оқиловнинг оддий дарсларида ҳам жумбоқли ҳикоя тинглаётгандек бўлардингиз.

**– Лекин ҳар бир ёш қалб мустақилликка, ўзини намоён этишга интилади-ку?**

– Тўғри, буни дастлаб Тошкент шаҳридаги 1-педагогика билим юртида таҳсил олган йилларим кўп кузатдим. Ана шу интилиш гоҳида калта ўйловчи, мулоҳазаси теран бўлмаган баъзи тенгдошларимни шошилтириб қўйган пайтлар ҳам бўлди.

Бироқ, болаликдаги тарбия, мулоҳазалилик, устозлар, китоб ва атрофингдаги катталарнинг сабоғи мустақилликка ҳар қандай интилишни ҳам тўғри йўналтира олишини кўп кузатдим. Енгил-елпи томошалар, дискотекалар таъсири кучли бўлганлар қандай қоқилишганини ҳам кўрдим.

Билим юртида мустақил эдим. Аммо дадамнинг "Мен ҳамиша кўзинг олдида турай", деган гаплари вақтни бесамар ўтказмасликка, билим олишга, китоб титкилашга чорлаб турарди. Мураббий-устозларимиз талаби ҳам қаттиқ эди. Биласиз, ҳар қандай ўсмир қиз тақинчоқ, зеби-зийнатга ўч бўлади. Билим юртида бу борадаги нуқтаи-назар, талаб ниҳоятда таъсирчан эди. Устозларимиз бизга қиз кўрки билимда, ақл-фаросатда, комилликка интилишда эканлигини таъкидлашдан чарчашмасди.

Шундай бўлдики, билим юртини битиргач, ўша ерда ўқитувчиликка олиб қоламиз, дейишди. Кўнмадим, ўзим ўқиган мактабда иш бошладим. Жисмоний тарбия фани бўйича дарс соати беришди. Агар ташаббуссиз бўлсам, қатъиятим етишмаса, шу кўйи қолиб кетишим мумкин эди. Кўнглимда бошланғич синфларда ўқитувчи бўлишга орзуманд эдим. Бир куни ўзим шартта бошланғич синфда уч кун давомида она тили, ўқиш, математика фанлари бўйича очиқ дарслар ўтказишим ҳақида эълон ёзиб қўйдим. Биринчи куни машғулотни ташкил этиш услубимни кузатувчи устозлар кам бўлди. Бироқ, кейинги куни қизиқувчилар кўпайди. Учинчи кунги очиқ дарсимда йигирмага яқин устозлар ҳозир бўлишди. Шундан кейин кўп ўтмай, менга 3-синф дарс машғулотларини тўлалигича топширишди. Жисмоний тарбия дарслари ҳам ўзимда қолди. Иш тиғизлашди, аммо ҳаракатимни сусайтирмадим.

**– Газетхонларимизни шу интилишлар самараси қизиқтиради, албатта.**

– Уч йил ишлагач, Тошкент Давлат педагогика университетининг махсус сиртқи бўлимига, бошланғич таълим ва тарбия факультетига ўқишга кирдим. Педагогик малакам, тажрибам ортиб борди. "Йил ўқитувчиси – 2004" кўрик-танловида қатнашиб, туманда биринчи, вилоятда иккинчи ўринни эгалладим. Бир йил ўтиб, педагогика университетини аъло баҳолар билан битирдим.

**– Жамият янгиланмоқда. Албатта, бу жараённинг оғриқли нуқталари ҳам йўқ эмас. Бугунги кунимиз ва келажагимиз хусусидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

– Биласизми, нур борки, соя бор. Ҳаракат борки, ютуқ бор, камчилик ҳам бисёр. Ҳамма гап ютуқлар учун шукрона айтиб, уларни холисона таҳлил қила билиш, камчиликларни кўра олиш ва бартараф этиш йўлларини излашда.

Ўз ҳаётимда, педагогик фаолиятимда кўрганим, кузатганим шуки, биз баркамол авлодни тарбияламоқчи эканмиз, боғча, мактабгача таълим ишини лозим даражага кўтаришимиз керак. Боғча кўрган бола билан боғча кўрмаган боланинг фарқи бор. Боғча муҳити болада фикрлаш қобилиятини ўстиради, у киришимли, қизиқувчан бўлиб ўсади.

Иккинчи бир муаммо – мактабларда эркак ўқитувчиларнинг камайиб бораётганлиги. Мутаносиблик йўқотилган, аёл ўқитувчилар кўпайган мактабларда ўқувчилар тарбияси оқсашини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Болалардаги иродасизлик, енгил-елпи машғулотларга мойиллик, турли таъсирларга осонгина берилиш, назаримда, шундан.

Биз баркамол йигит-қизларнинг янги-янги авлодини тарбиялашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, ижтимоий тарбияни кучайтиришимиз, йигитларда педагог касбига, тарбия ишига, ўқитувчиликка рағбатни шакллантиришимиз керак. Қизиқишни кучайтиришнинг энг асосий йўли педагог, ўқитувчи нуфузини оширишдан иборат. Ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан. Эҳтимол, шу касбга иштиёқманд йигитларга педагогика билим юртлари, олий ўқув юртларига киришда алоҳида имтиёзлар, енгилликлар берилар, эҳтимол бошқа ташкилий чоралар топилар. Лекин шундай рағбат бўлмаса, аҳвол ҳозиргидек қолаверади, халқ таълимидаги аҳвол ўзгармайди.

Бошқа бир муаммо – ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик, миллий қадриятларимиз, турмуш тарзимизга ёт нарсаларга, зарарли оқимлар таъсирига берилувчанлик. Оила-мактаб-жамият тизимидаги тарбияда йўл қўйилаётган баъзи камчиликлар бу иллатнинг асосий сабаби деб ўйлайман. Яхши нимаю ёмон нима? Бу саволга бола кўпинча, жўяли изоҳ олмаслигида. Боз устига, ҳали мустақил фикрлаш ва ўринли хулоса чиқариш қобилияти шаклланмаган бир пайтда кўча сабоғи, "оммавий маданият", интернет, сериал қаҳрамонлари хатти-ҳаракатлари кўрсатаётган босимда. Бугунги тиғиз, югур-югур ҳолатида баъзи ота-оналар ўз нуридийдалари нима билан шуғулланаётгани, қандай доирада вақт ўтказаётгани билан қизиқишмайди. Фақат кўнгилсизлик содир бўлганидагина кўзлари очилади. Афсуски, бу пайтда вақт ўтган бўлади.

Ўсмирлар билан ишлаш ҳақида кўп гапирамиз. Учрашувлар, суҳбатлар, бадиий кечалар ташкил этамиз. Лекин биринчидан, алоҳида эътиборга муҳтож болалар, кўпинча, бу оммавий тадбирлардан четда қолишади. Иккинчидан, умумий даъватлар бу тоифа болаларга кутилган таъсирни кўрсатмайди. Улар билан кўпроқ бевосита, яккама-якка ишлаш фойдали. Бунинг учун алоҳида муносабат, қунт, катта чидам керак. Биз ҳозирча уларни кўпроқ маърифий тадбирларга жалб этиш билан бандмиз.

Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарларида таъкидлаганларидек, қаердаки беписандлик, бепарволик ва лоқайдлик кучайса, юзакичилик авж олса, ўша ерда маънавият ожизлашади. Маънавий қадриятларни менсимаслик ёшлар тарбиясига катта хавф туғдиради. Ҳаётимизда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмронлигигина маънавий илдизларимизни соғломлаштиради.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

**Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактабида "Энг яхши китобхон" танлови ўтказилди. Унда ахборот-ресурс маркази кутубхонасининг фаол китобхонлари қатнашишди.**

# ЭНГ ФАОЛ КИТОБХОН

Ўн тўрт иштирокчи бешта шарт бўйича ўз салоҳиятларини намойиш этишди. Ўқилган бадиий асарлар юзасидан саволларга жавоблар, эркин мавзудаги суҳбат ва баҳру байт тингловчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Она тили ва адабиёт фани устозлари Мастура Нуралиева, Дониёр Суннатов ва тажрибали кутубхоначилар танловнинг марокли ўтишига катта ҳисса қўшишди.

5-"В" синф ўқувчиси Алишер Қодиров энг яхши китобхон деб топилди ва танлов ғолиби бўлди. Унга қизиқарли бадиий асарлар жамланмаси совға қилинди.

**Зулфия САТТОРОВА.**

# ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашишларга йўл қўймаслик, текширишларни кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошриш давр талабига айланди.**

Шу боис ҳам "Ўздавнефтгазинспекция"нинг Тошкент шаҳар бўлими шаҳримиздаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида нефть маҳсулотлари ва табиий газдан оқилона, фойдаланиш, ёқилғини меъёридан ортиқ сарфлашнинг олдини олиш, табиий газ тармоқларига газ ускуналарини ўзбошимчалик билан улаган ҳолда газдан ноқонуний фойдаланиш оқибатлари тўғрисида бир қатор тарғибот-тушунтириш ишларини йўлга қўйди.

Ўтган йили бўлим томонидан бевосита жойига чиқиб тадбиркорлик субъектлари ўртасида 1315 та тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўтказилган 73 та семинар-йиғилишларда 436 тадбиркорлар иштирок этди. Оммавий ахборот воситаларида 23 марта чиқиш қилинди, 14 марта амалий машғулотлар ўтказилди. Тадбиркорларга соҳа бўйича 18 турдаги қўлланмалар 356 нусхада тарқатилди.

Бундан ташқари "Ўздавнефтгазинспекция" Тошкент шаҳар бўлими ҳар ҳафтанинг жума кунини тадбиркорлар ва фуқаролар учун "Очиқ эшиклар куни", деб эълон қилган. Бўлимга мурожаат қилган 126 тадбиркорнинг муаммоли масалалари тўлиқ ҳал этилди.

Шу билан бирга бўлимда тадбиркорлар ва фуқаролар учун "Ишонч телефони" ташкил этилган бўлиб, у орқали тадбиркорлардан 46 марта мурожаат бўлди ва барчасидаги муаммоли масалалар ижобий ечим топди.

2010 йилнинг икки ойи мобайнида бўлим тадбиркорлик субъектлари ўртасида 10 марта семинар-йиғилиш ўтказди. Уларда 166 та тадбиркорлик субъектлари қатнашди. Бу тадбир давом эттирилмоқда.

Қизиқувчи фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар "Ўздавнефтгазинспекция"нинг интернетдаги веб-сайтига (www.uzngi.uz) кириб нефть ва газдан фойдаланиш, нефть-газ объектларини монтаж қилиш ва уларни ишлатишда технология талабларига риоя этилиши, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари", "Энергиядан оқилона фойдаланиш" тўғрисида ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлатимиз раҳбарининг "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш", "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари, идоравий меъёрий ҳужжатлар, газ тармоқларига ноқонуний уланишнинг оқибатлари тўғрисида маълумот олишлари ва вертуал қабулхонага кириб, ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Бўлимимиз барча фуқароларни ва хўжалик юритувчи субъектларни ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда исрофгарчиликларга йўл қўймасликка, беҳуда йўқотишларнинг олдини олишга ҳамда шундай ҳолатлар аниқланганда, тегишли мутасадди идораларга зудлик билан мурожаат қилишга чақиради.

**Башрулло САИДАЗИЗОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" Тошкент шаҳар бўлими бош технологи.**

ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ – 2010

**Мамлакатимизда 15 март – Халқаро истеъмолчилар куни муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Пойтахтимизда "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи – 2010" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг истеъмол маданияти ва ҳуқуқини юксалтиришга қаратилган мазкур анъанавий кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танловда Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги қурилиш ва уй-жой касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Муҳриддин Орипов биринчи ўринни эгаллади. Тошкент вилояти Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик коллежи ўқувчиси Акмал Қурбонов ва Урганч шаҳридаги ҳарбий юридик лицейи ўқувчиси Элшод Сафаров – иккинчи, Гулистон шаҳридаги 1-педагогика коллежи ўқувчиси Ирода Туропова ва Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги Гулобод ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқувчиси Шаҳноза Элмуродова учинчи ўринни қўлга киритди.

**ЎзА.**

НУҚТАИ НАЗАР

# ФОЙДА ҚАНДАЙ ЖАМЛАНАДИ?

**Эътироф этиш керакки, бутун дунёда ҳар қандай иқтисодий муносабат ўзаро манфаат асосига қурилади. Тадбиркорликда бу тушунча алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи, тадбиркорлик фаолияти, хоҳ у ишлаб чиқариш бўлсин, хоҳ хизмат кўрсатиш ёки савдо-сотиқ бўлсин, мақсад фойда олиш. Фойда муҳим иқтисодий натижа бўлиб, ҳар бир корхонанинг асосий мақсади ҳисобланади ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни акс эттиради.**

Моддий рағбатлантириш фойда олишга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлади. Демак, фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, ходимларнинг ўз корхонаси эришадиган натижалардан манфаатдорлигини кучайтиришда ҳал қилувчи восита. Барча фойдалар йиғиндиси корхонанинг ялпи фойдасини ташкил қилади.

Янгийўл туманида яшовчи тадбиркор Муроджон Ортиғалиевнинг ишлаб чиқариш борасида кўраётган ташаббускорлиги мисолида мавзуни давом эттирсак. У 2000 йили "Бинокор-М" корхонасини таъсис этиб, қурилиш материаллари, шу жумладан пишиқ ғишт ишлаб чиқариб, истеъмол бозорини таъминлай бошлади. Корхона ўтган йилнинг ўзида буюртмачиларга 25 миллион 600 минг дона пишиқ ғишт етказиб берди. Ҳозирга келиб, кунига 60 минг донадан ғишт ишлаб чиқаришга эришмоқда. Албатта, олинадиган фойда 1 дона ғишт нархидан, уни ишлаб чиқаришга кетган барча технологик харажатлар, ишчи кучига тўланадиган ҳақ, энергоресурс учун ажратилган маблағ, хом ашё ва уни етказиб келиш учун тўланган маблағлар йиғиндилари айириб ташланганидан кейин қолувчи сумма ҳисобланади. Маҳсулот қанча кўп ишлаб чиқарилса, соф фойда шунча кўпайиб боради.

Иқтисодиёт назариясига кўра, фойда олишнинг уч хил асосий манбаси мавжуд бўлиб, биз келтирган корхона мисолида уларнинг қай тарзда намоён бўлишини кўриб чиқсак. Биринчи манба – маҳсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқаришдаги монопол ҳолат ёки маҳсулотга бўлган талаб-эҳтиёж қай даражада эканлигига қараб шаклланиб боради. Аммо "Бинокор-М" корхонаси монопол ҳолатда эмас ва унинг маҳсулотлари рақобатбардошлилигига қараб баҳоланади.

Иккинчи манба – ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Ундан фойдаланиш самарадорлиги бозор конъюнктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришни ўзгарувчан бозор конъюнктурасига мослаштира билишга боғлиқ. "Бинокор-М" корхонаси мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган моддий-ҳуқуқий базадаги ижобий ўзгаришларга тез мослашиб, ўз ишини ташкил этмоқда. Тадбиркорлар учун яратилган янги имтиёзлардан унумли фойдаланилгани боис, катта маблағлар тежалиб, табиийки, фойда кўпаймоқда. Бундан ташқари "Бинокор-М" давлатимиз томонидан солиқ тизими учун яратилган енгилликдан оқилона фойдаланмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг иккинчи ярмида солиқ учун тўланиши керак бўлган 84 миллион сўм маблағ корхона ихтиёрида қолдирилди.

Учинчи манба – корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чиқади. Ундан оқилона фойдаланиш учун технологияларни узлуксиз такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш лозим бўлади. Шунда сотиладиган маҳсулот ва олинадиган фойда кўпайиб боради.

Хулоса ўрнида, айтиш мумкинки, фойда олиш учун сарф-харажатлар қилиниши табиий. Чунки, харажатсиз ҳаракат натижасиз бўлади. Харажатни тадбиркорлик ва ақл билан сарфлаш, бу жараёнга ёрдам берувчи янги усулларни топиш ва оқилона қўллаш – фойданинг янада кўп бўлишига олиб келади.

**Арофат РАСУЛҚУЛОВА, талаба.**

# БИР ШИКОЯТ ТАРИХИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Бир шўрвага, бир ошхона томонга зимдан кўз ташлаб, ниҳоят бир қарорга келди. Ўзини овқатни ичаётган қилиб кўрсатди. Охири косани қўлига олиб, ялаган бўлди-да, хонтахта тагига қўйди. Беш-ўн дақиқа орасида ошхонага бир неча дабқир кўз ташлади. Ним очиқ ром ортида ҳамон Нозима уни кузатиб турарди.

Абдулҳақ ниятини охиригача амалга оширишга, Нозимани синаб кўришга чоғланди. У кўнгли беҳузур бўлаётгандек, ўқчий бошлади. Охири беҳол бир алфозда ўзини ёстиққа ташлади.

Нозима уни шу ҳолатда қолдириб, айвон чеккасида турган сумкасини қўлга олди-ю, дарвоза томон талпинди. Энди Абдулҳақнинг гумони қолмаганди.

– Тўхта!

Нозима дарвозахонадаги кичик эшикни очиш учун қўл узатган жойида қотиб қолди. Абдулҳақ аста-аста дарвозахонага яқинлаша бошлади. Йўл-йўлакай қўл телефонида ким биландир гаплашди.

Аёл эри жаҳл устида сўкиб-уришини тасаввур ҳам қилолмасди. Муносабатлари ўта таранглашиб, сабр косаси тўлиб кетганида ҳам у қаттиқ овоз чиқармас, китоб жавони ёки шифтдаги қандилларга тикилганча, лом-мим демай ўтираверарди.

Абдулҳақ ҳовли ўртасида тўхтади. У Нозимадан кўз узмасди.

Кўчада машина овози эшитилди. Эшик очилиб, "Тез ёрдам" шифокори ва милиционер кўринди. Улар бир остонада қотиб қолган Нозимага, бир ҳовли ўртасида бамайлихотир турган Абдулҳақ Усмоновичга қараб, ҳеч нимани тушунмай тўхтаб қолишди.

– Кечирасизлар, – деди Абдулҳақ дарвоза томон илдам ўтиб. – Қани, кираверинглар.

Келганлар Нозимани ёнлаб ўтиб, дарвозахонага киришди.

– Тинчликми, домла? – биринчи бўлиб милиция сержанти тилга кирди.

– Ҳа, шундай дейиш мумкин бўлса – тинчлик, Латифжон, – Абдулҳақ шундай деди-да, ҳамон ҳайкалдек қотиб турган Нозимага ишора қилди. – Бу кишининг аҳволи-руҳиятидан безовта бўлиб чақиргандим сизларни. Шифохонага олиб бориб, тиббий кўрикдан ўтказсак, дегандим, – у аста бориб, Нозиманинг елкасидан сумкачасини олиб, милиция сержантига узатди, кейин "Тез ёрдам" шифокорига мурожаат қилди. – Илтимос, айвончада, хонтахта тагида бир коса овқат турипти, шуни экспертизага олиб борсангиз.

Шу пайт Нозима бир юлқиниб, ташқарига талпинди. Лекин Абдулҳақ Усмоновичнинг қўлидан чиқиб кета олмади.

– Бу кишига ўзингиз қарасангиз, Латифжон.

Нозима милиция сержанти кузатувида, шифокор усти тақсимча билан ёпилган косани кўтарганича, машина томон юришди.

– Ўшанда сумкадан икки дона бўш капсула, ўттиз беш грамм героин чиқди, – деди Абдулҳақ ҳикоясини давом эттириб. – Экспертиза шўрвага кучли таъсир қилувчи заҳар аралаштирилганлигини кўрсатди. Аёллигини инобатга олиб, суд Нозимани шартли тарзда жазолади. Бошқа қилмишлари ҳам қўшилиб, Қуддус беш йилга кесилди...

**5.**

Абдулҳақ Усмонович жим қолди. Жабборали ҳам унинг кенг пешонасида турмуш синовлари қолдирган чуқур изларга тикилганича ўтирарди.

Қўнғироқ чалинганида Абдулҳақ Жабборалига кўз ташлади. Чеҳраси очиқ, хотиржам эди. Улар хайрлашишди.

Машинага ўтириб, туман марказига қайтаётганида гоҳ у-гоҳ бу саволлар хаёлига келиб, Жабборали ўзини ўзи койий бошлади: "Наҳотки, бу кишининг гапларига паққос ишонсанг-у, қайтаверсанг?"

У эшитганларини бир-бир хаёлидан ўтказа бошлади.

– Ажралишганимиздан кейин Нозима бир йилча йўқ бўлиб кетди. Элдорни ахборот технологиялари коллежига жойлаштирдим, ётоқхонада яшай бошлади. Ёзда болалар оромгоҳида, компьютер марказида машғулот олиб борди. Кейинги ўқув йили бошларида, биринчи дам олиш куни у уйга келмади. Дарҳол коллеж ётоқхонасига қидириб бордим. "Элдорни онаси олиб кетди", деди тарбиячи. Кеч кузда ўқитувчи Марям Аҳмедовнага уйландим...

Абдулҳақ Усмоновичнинг шу сингари ҳикояларини эслаб, Жабборали кечгача хаёл суриб юрди. Иш куни тугаб, қоғозларни папкасига жойлаётганида хонага Нозима Ғаниевна кириб келди. Дабдурустдан:

– Фельетон тайёрми, укагинам? – деб сўради.

Жабборали жавоб бермади. Стол ортида тик турганича аёлга диққат билан разм солди. Тунов кунги сўлғинликдан асар ҳам қолмапти чеҳрасида. Кулгичлари ўйнаб турипти. Енгил кўйлагининг этакларини ҳилпиратиб кўрсатилган жойга энгашиброқ ўтирди. Жабборали унинг очиқ ёқасидан кўзларини олиб қочди. Девордаги Ўзбекистон харитасига узоқ тикилиб тургач:

– Фамилиянгиз? – деб сўради.

(Давоми бор).

## РАССОМ ХАНДАСИ




Ўқитувчи:
– Бугун миллий либос ва ҳаё ҳақида гаплашамиз.

# АЗАЛИЙ ВА БОҚИЙ АЙЁМ



Мустақиллик инояти туфайли, Юртбошимиз раҳнамолигида миллий анъаналаримиз, тарихий қадриятларимизни қайта тиклаш, кенг тарғиб этишга янада катта эътибор қаратилди. Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланадиган бўлди.

Йигирма йилдирки, Наврўз элимизнинг энг севимли, фараҳбахш, қувончли кунларидан бири сифатида кенг нишонланиб келмоқда.

Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида, шунингдек, вилоятлардаги энг кўркам, бетимсол гўшаларда, майдон ва хиёбонларда, қир-адирлар, дала-тузда ўтадиган байрам тадбирлари, унда намойиш этиладиган кўнгилочар томошалар, байрамона куй-қўшиқлар, дилкаш рақс ва тароналар бу байрамнинг халқимиз ўтмиши, бугуни ва истиқболи билан қанчалар чамбарчас боғлиқ эканидан далолат беради.

### Сумалак сузинг, она!

Юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида, маҳалла ва овулларида Наврўз ўзгача шукуҳ, ўзгача руҳда ўтади. Каттаю кичик юзда табассум, дилда қувонч билан бу гўзал ва бетакрор байрамга пешвоз чиқади. Момоларнинг ўлан ва лапарларида, боболарнинг шукрона балққан нигоҳлари, дуога очилган қўлларида, болажонларнинг бахтиёр кулгусида, қизалоқларнинг ширин табассумида Наврўз тароватини ҳис этасиз.

Айниқса, сумалак қайнаётган дошқозон атрофидаги онахонларимиз тимсолида, бир-биридан лазиз, хуштаъм баҳорий неъматлар тотида Наврўз нашидасини туйиш мумкин.

Наврўз дастурхонини турли баҳорий ноз-неъматлар, айниқса, сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу тансиқ таомнинг фойдали, шифобахш хусусиятлари ортиқча таърифга муҳтож эмас. Сумалак ҳам худди Наврўз сингари қадимий ва безавол экани тарихий манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, юнон тарихчиси Херодот ўз солномаларида қадимги аждодларимизнинг баҳорнинг илк кунларида буғдой майсасидан махсус таом тайёрлаганлари ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асарида "сума" сўзи қадимги туркий тилларда ивитилган буғдой маъносини бериши қайд этилган. Кўпгина олимларимиз "сумалак" сўзи ҳам айнан шу ўзакдан келиб чиққанини ёзадилар. Бу таом бугунги кунда Наврўз нишонланадиган барча ҳудудларда кенг тарқалгани ҳам унинг қанчалик суюмли эканини кўрсатади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Кўпкари – Наврўз ўйини

Наврўзи олам катта тантана билан нишонланаётган зангори гилам тўшалган адирлар, бепоён даладаштлар отлар дупуридан ларзага келади. Зотан, бу гўзал айёмнинг нашидаси отларнинг кишнашию, чавандозларнинг ҳайқириғи билан уйғунлашиб, айрича жўшқинлик касб этади.

...Болалик йилларимизда баҳор келиши билан каттаю кичик маҳалламиздан етти-саккиз чақирим узоқдаги Қуруқсой мавзеи томон ошиқарди. Кексаларнинг айтишича, бу ялангликда улоқ-кўпкари беллашувлари юз йиллардан бери ўтказиб келинаркан.

Бу ерда чор атрофдан келган ўнлаб чавандозлар, юзлаб кўпкари ишқибозлари тўпланар, ҳамма қатори биз, болалар ҳам улоқ талашиб, марра сари шитоб билан елиб бораётган чавандозларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини киприк қоқмай кузатиб турардик...

Бугун ҳам мамлакатимизнинг юзлаб гўшаларида кўпкарининг аллақандай жайдари нафосати, ўзига хос завқи, шукуҳи ҳукмрон. Аждодларимизнинг қанча-дан-қанча умрбоқий анъана ва қадриятлари қатори миллий спортимизнинг бу тури ҳам тараққий этиб, сайқал топиб келаётир.

Олимларнинг фикрича, кўпкари халқимизнинг янги йил ҳосилини чамалаш билан боғлиқ эътиқоди ва қарашлари замирида, Наврўз байрами удумларининг шаклланиши жараёнида келиб чиққан. Кейинчалик у барча сайлларда, тўй-ҳашамларда, байрамларда ўтказиладиган умумхалқ томошаларидан бирига айланган.

### Наврўзга пешвоз

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳақ жойида қарор топа бошлади. Азалий сарчашмалар қайтадан кўз очди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий, тарихий қадриятларимиз қайта тикланди.

Бугун ҳам она Ватанимиз, халқимиз бу азалий ва абадий байрамга ҳар йилгидай кўтаринки кайфиятда, шодхуррамлик, қувонч ва соғинч ила пешвоз чиқаётир.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, барчамиз орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказиладиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.

Янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## БУ – ҚИЗИҚ!

# ТОШ ЭҲРОМЛАР СИРИ



**Кўп йиллардан бери бир умумий масала бутун дунё олимлари бошини қотириб келади: Миср эҳромлари қандай бунёд этилган? Қадимги одамлар сирли Стоунхенж ёдгорлигидаги кўп тоннали тош плиталарни қандай қилиб ўрнатганлар? Ер сайёрасининг нариги чеккасидаги ташландиқ Пасха оролларига тошдан йўнилган улкан плиталар қандай қилиб кўтариб келинган? Боливиядаги оғирлиги 440 тонналик платформа қандай куч воситасида ётқизилган?**

Қадимги қурувчиларда ҳозиргидек кучли техника бўлмаган. Лекин бўлганда нима? Барибир, юзлаб тонналик тош плиталарни тоғ ва адирлар оша ташиб келиб, бир-бирининг устига оддий ғишт тергандек кўтариб қўйишнинг иложи йўқ-ку!

Айрим хаёлпарастлар "Қадимги одамлар улкан гранит плиталарни қандайдир жоду йўли билан худди ҳаво шарларидек енгил кўтарилиб, учадиган ҳолга келтира олганлар", деб тахмин қилишади. Хаёлни жиловлаб бўлмайди. Бироқ ҳар қандай чексиз фантазия замирида ҳам озгина бўлса-да, мантиқ ётади-ку!

Афтидан, ўша мантиқнинг бир чети очилганга ўхшайди. Москвалик физик олим Юрий Рассадкин дунё олимларининг бошини қотирган жумбоқларга ечим топгандек.

Болаликда ўйин қилиб, пашшани тутиб, қанотларини юлиб ташлаб, ноилож қолган бечора жонзотнинг ерда қуруқ визиллаб, гир айланишини томоша қилганмисиз? Ю. Рассадкин "шафқатсизлик"да болалардан ҳам ўтиб тушди. Лекин уни тушунса бўлади – илмий-тадқиқот жараёнида бунга зарурат туғилиши мумкин. Олим пашшанинг қанотларини эмас, думи остидаги кичкинагина гантелини олиб ташлади. Визиллаган товушни пашшанинг айнан шу аъзоси чиқаради.

Қаранги, агар шу кичкинагина аъзоси бўлмаса, пашша, умуман учолмай, айтайлик, стол устидан жонсиз жисм каби пастга қулар экан. Аммо, учишга уринишдан тўхтамай, 5-6 сантиметр юқорига сакраб, яна ерга майда тош каби қулайвераркан. Демак, визиллаш йўқ бўлса, учиш ҳам йўқ.

"Визиллаш" сирларини обдон ўрганган Ю. Рассадкин тушундики, моҳир учарларнинг сири визиллашда экан. Улар визиллаш натижасида ҳосил бўладиган кучни юқорига йўналтириб, Ернинг тортиш кучини йўқ даражагача туширишаркан.

Дарвоқе, айрим йогларнинг ердан узилиб, ҳавода муаллақ тура олишларини ҳам юқоридаги ҳолат билан изоҳлаш мумкин.

Физик олим Ю. Рассадкиннинг фикри шундай: ҳавода аэрозол – 0,1 микрондан 2-3 миллиметргача бўлган сув томчилари доимо муаллақ сузиб юради. Сув молекулалари сиқилган бўлгани учун, 2-4 микрон ҳажмдаги томчилар акустик ёки электромагнит тўлқинлари таъсирида портлаши мумкин. Ана шу портлаш чоғида жуда катта энергия ажралиб чиқади. У 1 квадрат метр майдонга 5 тонна (!) куч билан таъсир этади. Агар шу энергия оғирлик кучига қарши йўналтирилса, ҳар қандай оғирликдаги жисм ҳавога учиб кетиши мумкин.

Мисрликларнинг онги гранит палахсаларини совун пуфагига қиёслайди. Шунда уни бир неча километр масофадан осонгина ташиб келтириб, эҳромларга устма-уст териш мумкин. Қолаверса, катта баландликдан ерга қулаган одамларнинг ҳаммаси ҳам ўлим топавермаган. Бунга тарихда мисоллар кўп. Жумладан, бинонинг 11-қаватидан асфальтга қулаган боланинг онги унинг тирик қолишига ёрдам берган.

Фаразлар шундай. Аммо, "визиллаш" мўъжизасига ҳозирча бошқа изоҳ йўқ.

**Хориж матбуоти материаллари асосида Самад ЙЎЛДОШ тайёрлади.**

Утерянную справку № 1108 от 26 февраля 2010 г., выданную БТИ Юнусабадского района г. Ташкента для осуществления залога на квартиру по адресу: Юнусабад 14-квартал, д. 28, кв. 32, на имя Ташева Азиза Тахировича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный план дома, выданный Шайхантахурским БТИ на имя Азимова Акрома Акбаровича по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Уйгун, д. 41,
СЧИТАТИЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Дочернее предприятие "GALAKTIKA" (ИНН 200645631, ОКПО 14934261), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента № 06-000658 от 24.09.2003 г. в соответствии с приказом учредителя № 132 от 03.03.2010 г.
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, аэропорт "Ташкент" или по тел.: 254-57-20.

Утерянную круглую печать, выданную частному предпринимателю Сакиеву Ахролу Кабыльевичу, зарегистрированную Яккасарайским хокимиятом г. Ташкента,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

# ЎН БЕШИ ЁРУҒ ОЙ

Кеч бўлди дегунча, Комиланинг кўнгли ғашлана бошлайди. Ҳозир яна ўша уйга бориб, овсинининг қовоқтумшуғи-ю, узиб-узиб оладиган наштар сўзларига чидашга мажбур. Қайнона ҳам овсин томонида. Комиланинг ўқиш билан бўлиб, уйга фойдаси тегмаётганини писанда қилишгани-қилишган. Одамларнинг: "Кечга томон уйга шошиладиган киши энг бахтли инсондир", дейишгани тўғри экан. Комила эса бундай бахтдан бенасиб.

У ўқишини ташлаш ҳақида кўп ўйлади, лекин кўзи қиймади. Ахир бу йил охирги курс. Эрта-индин шифокор бўлай деб турганида, ўқишни ташлаб кетиши аҳмоқликдан ўзга нарса эмас.

Комила қўнғироқ тугмасини босди. Баҳром эшикни очаркан, хотинини койиган бўлди:

– Вақтлироқ келсанг бўлмайдими, хавотир олишадиям демайсан.

– Ким хавотирланади, сизми? – деди Комила тўнглик билан. – Гапингиз рост бўлса кўча бошида кутиб олардингиз. Лоақал дарвоза тепасидаги чироқни ёқиб қўйишга ҳам ҳаддингиз сиғмайди-ку!... Кечикканим сабаби – ўқишдан чиқиб амалиёт ўтагани бордик.

Баҳром бир-икки марта хотинини кутиб олганида, уйда қиёмат бўлган. Онаси: "Намунча эркалатмасанг", деб жанжал кўтарганди. Комила Баҳромнинг ҳолатини била туриб, юзига солди. Эрининг ичида нимадир чирт этиб узилгандай бўлди.

Комила ўқишидан келганини билдириш учун остонада туриб, қайнонасининг уйига мўралади:

– Ассалому алайкум, ойижон. Яхши ўтирибсизларми?

Ҳамма телевизордан кўз узиб, Комилага қаради. Оҳ, бу ёвқараш нигоҳлар...

У ошхонага кириб, стол устида уюлиб ётган ювиқсиз идишларга кўзи тушди-ю, уйдагилар овқатланиб бўлишганини сезди. Қозоннинг тагида қуйилиб қолган маставани иситди. Уни ошхонанинг ўзида наридан-бери ичиб олишга ҳам рози, аммо бу иши учун бир марта "ўғри томоқ" дейишгани ёдига тушиб, бу фикридан қайтди. Овқатни косага сузиб, бир бурда нон олганча, қайнонасининг хонаси томон юрди. Зинада тартибсиз ётган оёқ кийимларни тахлаб, аста ичкарига кирди. Овқат иси билан қоришиқ яна қандайдир ёқимсиз ҳид димоғига урилиб, кўнглини беҳузур қилди. Иштаҳаси бўғилди.

– Раҳмат, ширин бўпти, – деди Комила косадаги овқат яримлагач, фотиҳа ўқиб.

– Овқатининг ҳаммасини ичмади, ойижон, – деди овсини. – Ширин бўпти деб кесатяпти.

– Ҳа, энди Баҳромингиз хотинчасининг ёнига жарақ-жарақ пул солиб қўйгач, хонимчалари уйининг овқатини менсирмиди? – деди қайноғаси.

Қайнонаси билан овсинининг пичингларига аранг чидаган Комилага қайноғасининг гапи жуда оғир ботди.

– Ундай деманг, мулла ака. Укангизга ёрдам бўлсин деб йўлкира билан тушлик учун пулни дадамдан олаяпман, – деди Комила хонтахта устидаги увоқларни сидириб оларкан.

Шу топда эри унинг ёнини олишини, ҳимоя қилишини жуда-жуда истарди. Аммо ҳозир Баҳром телевизор кўриб ётганини кўз олдига келтириб, баттар сиқилди. Дилида эрини ношуд ва лақмаликда айблади.

Комила ошхонадаги юмушларини тугатиб уйга кирди. Ўйлаганидек, эри телевизор кўриб ётарди. У аламларини ичига ютди. Ўзи учун эмас, кўкси остида ураётган митти юрак учун, оила тинчлигини сақлаш учун шундай қилишга мажбур эди. Эрига бир оғиз сўз айтмай, китоб-дафтарларини очиб, дарс қилишга тутинди. Ҳар куни тун ярмигача дарс тайёрлайдиган Комила боши ёстиққа тегар-тегмас ухлаб қоларди, аммо бугун асаблари чарчаганиданми, алламаҳалгача ухлолмай, тўлғониб ётди.

Энди кўзи илинганида, соатнинг жиринглашидан чўчиб уйғонган Комила яна озгина ухлай деди-ю...

Овсинининг бақир-чақиридан безиллаб қолган Комила:

– Узр, опажон, ухлаб қолибман, – деди унинг қўлидан супургини оларкан.

– Аввал кўча ва ҳовлидаги қорни куранг, кейин йўлакларни супурасиз. Сизгача мен ҳам бу ишларни ёлғиз ўзим қилганман, ўлганим йўқ!

...Сардоржоннинг дунёга келиши Комиланинг ҳаётига қувонч, турмушига мазмун бағишлади.

Кўп ўтмай Комилалар янги уйга кўчиб ўтишди. Бу уйни Комиланинг отаси набирамга совға бўлсин деб олган, унга кўчиб ўтиш фикри эса Баҳромдан чиққан эди. Гулҳида овсинининг кўчиб кетишига чидай олмай, аламини қайнонасидан ола бошлади. "Сиз бўшанг бўлганингиз учун қўлидан иш келадиган ўғлингизни бой бериб ўтирибсиз. Келинингиз хизматингизни қилишдан қочиб қолди. Ҳамма ҳам мендек содда эмас. Энди хомтама бўлманг, мен ҳам сизга хизматкор эмасман".

Гулҳидадан оқибат кўрмай, ҳадеб турткиланаверган Зеби ая кичик ўғлиникига тез-тез борар, Комила уни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, ҳар сафар шу ерда яшанг, дейишни канда қилмасди.

Комила фарзанд тарбияси билан 2 йил уйда ўтирди, аммо севган касби бўйича изланишдан тўхтамади. Шунинг учун бўлса керак, устозлари уни марказий касалхонага ишга чақиришди. У жарроҳлик бўлимида ишлай бошлади...

– Комила Ваҳобовна, 4-хонадаги бемор ўзига келди. Сизни сўроқлаяпти, – деди ҳамшира касаллик варақаларини тўлдираётган шифокорга.

Комила енгил тин олди. Беморнинг операциядан муваффақиятли чиққанини билса ҳам негадир кўнгли нотинч эди. У касалхона йўлагидан борар экан, қачонлардир овсинининг: "Ҳеч нарсани билмаса ҳам диплом беравераркан-да. Сен қайнимнинг пулларига ўқишни битириб олдинг", деган гапларини эслади. Гулҳиданинг заҳарханда гаплари, айёрона боқишлари...

Комила эшикни оҳиста очди. Беморнинг кўзларида жиққа ёш. Унинг боқишларидан халоскорига нисбатан кучли меҳр ҳамда адоғи йўқ миннатдорчилик зоҳир эди. Комиланинг "Тузукмисиз?" деган саволига:

– Мени кечиринг, овсинжон... – дея олди, холос.

**Аллома АЗИЗОВА.**

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 31.05.2006 йилда № 001402 рақам билан рўйхатга олинган «DILDORA DIZAYN» (ИНН 206607713) хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный гувохнома ТА № 0340167, реестр. № 3039-47, выданный Госкомимуществом г. Ташкента 22.08.2007 г. ООО «ROS STANDART INVEST» по адресу: С. Рахимовский район, ул. Магазин Мавзук, д. 254,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Общество с ограниченной ответственностью «CHOKO MIX» (ИНН 301446772), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенное по адрусу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Уйгур, д. 353
ЛИКВИДИРУЕТСЯ
(решение учредителя № 3 от 16 марта 2010 г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления.

Общество с ограниченной ответственностью «VIGA» (ООО «VIGA») (ИНН 203617046), зарегистрированное отделом Государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента за реестр. № 01-00392 от 13 января 2003 г.
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: Чиланзар 13-9-37.

Общество с ограниченной ответственностью «YANGIBOZOR SAVDO-MATLUBOT-TAYYORLOV» (ИНН 300552341, ОКПО 21988671), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адрусу: Чиланзар-20 А, д. 4, кв. 77,
ЛИКВИДИРУЕТСЯ
(протокол собрания № 5 от 15 апреля 2009 г.).
Претензии принимаются в течение одного месяца с момента опубликования данного объявления по тел.: (+99890) 167-05-92.

Собир Раҳимов тумани Т.Ж.Б.К.Х. томонидан Душабоев кўчаси, 6-уй манзилида яшовчи Позилова Мавжуда Маннаповна номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянное свидетельство о восьмилетнем образовании АО № 029027, выданное в 1995 г. школой № 159 Сабир Рахимовского района г. Ташкента на имя Власова Дениса Владимировича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Абулфайз САИДАСҚАРОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 12361. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 3 4 5